
Калдушон маҳалласида 16 км ичимлик суви тармоғи тортиш натijasида 5 544 нафар аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланади

Фурқат туманининг қишлоқ аҳоли пунктлари меъморий қиёфасини тубдан янгилаш, биринчи навбатда коммунал масалаларни ҳал этиш мақсадида ичимлик суви тармоғи тортиш ишлари амалга оширилмоқда.

"Калдушон" маҳалла фуқаролар йиғинида 1 212 та хонадонда 5 544 нафар аҳоли истиқомат қилади. Маҳаллада 11 та - Шох, Боғ, Қумлоқ, Соё, Янги ҳаёт, Ёшлик, Обод, Иттифоқ, Узун, Тутмайизак, Тегирмонбоши кўчалари мавжуд.

Белгиланган дастур асосида ушбу кўчаларга 4 млрд. 200 млн. сўм маблағ эвазига 16 км ичимлик сув тармоғи, 2 та сув минораси, 2 та сув қудуғи 2 та сув насос ўрнатиш ҳисобига 1 212 та хонадонда 5 544 нафар аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланади.

Маҳаллада ўтган 2022 йил давомида "Ташаббусли бюджет" жараёнининг биринчи босқичида 409 млн сўм маблағ эвазига Обод, Соё, Қумлоқ кўчаларининг 800 метр қисми асфальтланди. Соё кўчасига 1 дона 160 кВт трансформатор пункти ўрнатилиб, Қумлоқ кўчасига 1000 метр ичимлик сув тармоғи тортилиши натижасида аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланди.

"Ташаббусли бюджет" лойиҳасининг иккинчи босқичида маҳалланинг таъмирга муҳтож бўлган ички йўллари таъмирлаш билан боғлиқ ташаббуслари 3 121 та овоз билан ғолиб деб топилиб, Боғ, Соё, Қумлоқ, Узун, Ёшлик кўчаларининг 700 метр ички йўллари асфальтланганидан бўлди. Бундан ташқари мавсум давомида ҳомийлик ва ҳашар йўли билан маҳалланинг 4.5 км ички йўллари шағалланди.

Жорий йилда "Ташаббусли бюджет" лойиҳасига маҳалладаги 7 та кўчанинг 3.5 км ички йўллари асфальтлаш таклифи киритилган.

2023-02-22 08:40:40